



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 23 май, № 108 (7610)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АНДИЖОН МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ЙЎЛИДА ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР, ЗАМОНАВИЙ ИСЛОҲОТЛАР МАЙДОНИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 21-22 май кунлари Андижон вилоятида бўлди.



Президентимиз ташрифнинг иккинчи кунги Андижон шаҳрида вилоят ва туманлар ҳокимлари, иқтисодиёт тармоқлари раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказди.

Коронавирус пандемияси туфайли бутун дунёга глобал инқироз таҳдид солиб турган бугунги кунда ҳар бир мамлакат ушбу қийин вазиятдан чиқиш йўллари изламоқда. Барча халқларда катта ташвиш уйғотган ушбу синов, қолаверса, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган офатлар ҳам халқимизнинг мардона иродасини бука олмади. Юртдошларимиз бугунги жуда мураккаб вазиятда муқаррар хавф-хатар олдида довдирамасдан, янада жипс бўлиб, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, эртанги кун учун кафолатли турмуш шароити барпо этиш йўлида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган тизимли ислоҳотларга камар-баста бўлмоқда.

Андижон вилоятида ҳам коронавирус карантинидан босқичма-босқич чиқиш жараёнида иқтисодиётни тўлиқ юргизиб юбориш, аҳоли бандлиги ва даромадини таъминлаш, эҳтиёжмандларга ёрдам бериш ва камбағалликни қисқартириш бўйича тизимли чора-тадбирлар белгиланган. Йиғилишда карантин талабларига қатъий риоя қилган ҳолда, мазкур йўналишдаги ишларни давом эттириш бўйича янги ёндашув ва вазифалар муҳофама этилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг бошида барчани Рамазон ҳайити билан муборакбод этди.

— Вақт шиддат билан ўта-япти. Ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа ганимат. Пандемия туфайли кўпгина соҳалар

ишламагани боис оилаларда қийинчиликлар бўлди. Карантин бўлишига қарамай, халқимиз билан ба-маслаҳат эртанги кунимиз учун тезроқ режалар қилиб олмасак эртага кеч бўлади, — деди Президент.

Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, иш ўринлари ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Андижон вилоятида 40 мингдан зиёд муҳтож оилалар борлиги, саноат лойиҳалари, қишлоқ хўжалиги ва томорқачилик, оилавий тадбиркорлик, хунарамандчилик, ўзини ўзи банд қилиш ҳисобига уларга даромад манбаи яратиш зарурлиги таъкидланди.

— Бош вазир ўринбосарлари, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ҳар бир камбағал оила муаммоларини аниқ билиши, улар билан манзилли ишлаши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Энди ҳар бир секторда “Камбағалликни қисқартириш штаби” ташкил этилиши белгиланди. Бу штабларга иқтисодиёт, молия, меҳнат, инвестиция, солиқ идоралари ва банк вакиллари бириктирилади. Уларнинг иш ҳақи эришилган натижаларига кура берилади. Солиқ идоралари текширувчи эмас, тадбиркорларга кўмакчи бўлади.

— Статистик рақамлар билан шу пайтгача тўғри йўналиш қилиб бўлмади, халқимиз манфаат кўрмади. Таклифлар туманлардан, одамларнинг ўзидан чиқиши керак. Вазирлар, раҳбарлар кабинетда эмас, ҳудудларда, узоқ қишлоқларда

ишлаши зарур. Шундай оғир шароитда фидойи бўлмаган раҳбар — хиёнаткор. Шу халқ учун ойлик олиб юриб-сизлар. Давлат идораси вакили халққа қанча яқин бўлса, жойларда шунча натижа бўлади, адолат мезони таъминланади, — деб таъкидлади Президент.

Йиғилишда вилоятда янги қорчилаш ташкил этиш ва иш ўринларини кўпайтириш чора-тадбирлари батафсил муҳофама қилинди.

Жорий йилда 789 лойиҳа бўйича 7 триллион сўм инвестиция ўзлаштирилиб, 42 минг иш ўрни яратиш режалаштирилган. Тўқимачилик йўналишида умумий қиймати 106 миллион доллар бўлган 13 лойиҳа амалга оширилиб, калава ипни қайта ишлаш даражаси 78 фоизга етказилади, 278 миллион долларлик экспорт таъминланади.

Қурилиш материаллари тармоғида 2020-2021 йилларда 74 лойиҳа самарасида 106 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Оилавий тадбиркорликка 353 миллиард сўм кредит, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 20 миллион доллар ажратилиши белгиланди.

Бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолини солиқдан озод қилинган 60 дан ортиқ турдаги касбларга ўқитиш бўйича топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев йиғилишда Андижон вилояти аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш, инфратузилмани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Жорий йилда вилоятда 6 минг 196 та — ўтган йилдагига нисбатан 2 баробар кўп уй қурилмоқда. Жумладан, “Қишлоқ қурилиш инвест” 5 қаватли 45 та, “Ўзшаҳар қурилиш инвест” Андижон шаҳрида 16 қаватли 4 та арзон уйлар қурмоқда.

Давлатимиз раҳбари уй-жойга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиб, Андижон вилоятида 819 оилага субсидия ажратиш зарурлигини таъкидлади.

Жорий йилда урбанизация талаблари ва инфратузилма мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир туманда иккитадан замонавий қишлоқ қуриш лойиҳаси Андижондан бошланади.

“Замонавий қишлоқ” — кўп қаватли уйлар қуриладиган, инфратузилма объектлари мавжуд, аҳоли учун барча шароит яратилган масканлар бўлади. “Замонавий қишлоқ” лойиҳаси бўйича қурилган уй-жойлар бошқа дастурлар доирасида барпо этилган уй-жойлардан бирмунча арзонлиги билан ажралиб туради.

Бу йил 642 километр автомобиль йўли, 85 километр ичимлик суви тармоғи қурилиши ва таъмирланиши белгиланди.

Таълим сифатини яхшилаш, ўқувчиларни қизиққан касбига 7-синфдан йўналтириш бўйича кўрсатмалар берилди. Бу келгусида уларнинг бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутadi.

— Мени энг кўп ўйлантирадиган масала, бу ёшлар ва хотин-қизлардир. Уларга эътибор, кўмак керак. Билими, қўлида касб-хунари бўлса, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетади, дунёқарашини ҳам бошқача бўлади. Ота-

онаси, оиласи ҳам давлатдан рози бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари вилоятдаги меҳнат бозори талабини, ҳудуддаги тадбиркорлик ва қурилиш инфратузилмаси соҳалари тез суръатларда ўсаётганини инобатга олиб, Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институтини ташкил этиш ва жорий йилдан қабулни амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. Бундан ташқари, Тошкент давлат аграр университетининг филиали негизда Андижон қишлоқ хўжалиги институтини ташкил этиб, вилоятда аграр соҳа учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш юзасидан вазифалар белгилаб берилди.

Туризм соҳаси коронавирус сабабли тўхтаб қолган бўлса-да, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишда муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Йиғилишда вилоятда ички туризм дастурини ишлаб чиқиб, унинг доирасида бошқа ҳудудлардан вилоятга ички саёҳатларни ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Хонобод шаҳрини Фарғона водийсининг туризм марказига айлантириш таклиф этилди. Ушбу шаҳарда ер ости маъданли сув булоқлари мавжудлигини инобатга олиб, 10 гектар ер ажратган ҳолда, маъданли сув брендини яратиш ва соғломлаштириш санаторийни ташкил этилиши белгиланди.

Маданият ва ахборот технологияларини ривожлантириш, жиноятчилиكنинг олдини олиш масалаларига ҳам тўқталиб ўтилди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари, тармоқ раҳбарлари ҳисобот берди. Видеоалоқа орқали туман ҳокимлари ва фаолларнинг фикрлари эшитилди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу кунги Хўжабод туманидаги кўп қаватли уйлар қурилишини бориб кўрди.

Андижон вилояти аҳолиси мамлакатимиз нуфусининг 10 фоизини, ҳудуди эса бор-йўғи 1 фоизини ташкил этади. Шу боис шаҳар қийиндаги адир жойларда кўп қаватли уйлар қуриш орқали аҳолининг тобора ўсиб бораётган талабини қондириш чоралари кўриломоқда.

Хўжабод туманининг Иттифоқ массивида 35 та уй қурилмоқда. Улар Андижон шаҳри, Андижон, Хўжабод, Булоқбоши ва Жалақудук туманларидаги уй-жойга муҳтож оилаларга берилиши кўзда тутилган. Шунингдек, бу ерда мактаб, тикувчилик цехи, спорт комплекси бунёд этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари қурилиш ишларидаги камчиликларни кўрсатиб ўтди. Бундай жойларда уйлар бунёд этиш мамлакатимизда янги тажриба эканини, уларни халқроқ стандартлар асосида пишиқ, сифатли қуриш зарурлигини таъкидлади. Лойиҳани тақомиллаштириш, аҳолига қулай транспорт йўналишлари ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига ташрифи аяқлаланди.

Матназор ЭЛМУРОВО,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

БИЗ ва ЖАҲОН



АҚШЛИК ЭКСПЕРТЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ ЭРКИНЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН АМАЛИЙ ИШЛАРГА ЮҚОРИ БАҲО БЕРДИ

Аввал хабар қилганимиздек, яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов раислигида дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш масалалари бўйича парламент эшитуви ўтказилди. Онлайн мулоқотда америкалик экспертлар ҳам қатнашди.

Улар орасида АҚШ Давлат департаменти, Халқаро диний эркинлик комиссияси, АҚШ Конгресси ҳузуридаги Хельсинки комиссияси, Глобал жалб қилиш институти расмий вакиллари, шунингдек, Бригам Янг университети Халқаро ҳуқуқий ва диний тадқиқотлар маркази директори ўринбосари Элизабет Кларк, жумладан, шундай деди:

“Бугунги тарихий парламент эшитувининг бир қисмига айланиш менга улкан мамнуният бахш этди.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИЛАРИ ЕВРОПА ПАРЛАМЕНТИ ДЕПУТАТЛАРИ БИЛАН МУЗОКАРАЛАР ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикасининг Бельгия, Германия, Испания, Италия, Латвия ҳамда Польшадаги Фавқулодда ва мухтор элчилари Европа парламентидagi Социалистлар ва демократларнинг прогрессив альянси фракцияси вакиллари билан видеоконференция шаклида мулоқот ўтказди.

Ушбу альянс йирик сиёсий гуруҳлардан бири бўлиб, Европанинг 25 мамлакатидида социалистлар ва демократлар партияларини бирлаштиради. 1999 йилги сайловлардан олдин мазкур сиёсий гуруҳ Европа парламентидида энг кўп ўринга эга бўлган. Айни пайтда эса парламентдаги 705 ўриндан 147 мандатга эга бўлиб, иккинчи ўринда қайд этилди.

Тадбирда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидидаги кўп қиррали муносабатларнинг жорий ҳолати ва истикболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда Ўзбекистон — Европа ҳамкорлигининг изчил ривожланиб бораётганини таъкидладилар. Сўнгги йилларда икки томонлама



КЕЧИРИМЛИК — ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

Президентимизнинг “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонию мувофиқ, Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан,

- содир қилган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 258 фуқаро афв этилди;
- Афв этилган шахсларнинг 16 нафари асосий жазодан озод қилинади;
- 101 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади;
- 24 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилади;
- шунингдек, 117 шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг

- 7 нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар,
- 1 нафарини аёл,
- 7 нафарини чет давлат фуқаролари,
- 164 нафарини таъкидланган ташкилотлар иштирокчилари ташкил қилади.

3-саҳифага қаранг.

Муносабат

ҲАЁТБАХШ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАР — УЛКАН МАРРАЛАРГА ПОЙДЕВОР

Давлатимиз раҳбари жойларга ташрифлари асносида янги ғояларни ва ташаббусларни илгари сурадики, бу ҳудудларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Андижонга ташрифи чоғида ҳам бу ерда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, белгиланган вазифалар ижросини кўздан кечириш ва янги лойиҳаларни белгилаш ҳамда одамлар ҳаёти билан танишиш асносида қатор таклифларни билдирди.

Хусусан, “Кўҳна Водий Баҳори” фермер хўжалигида бўлиб, ғўза ораларига соя экиш бўйича тавсиялар бер-

ди. Бу, албатта, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига сезиларли даражада таъсир кўрсатишини тушуниш қийин эмас. Ташриф давомида аҳоли зичлиги ҳисобга олиниб, зилзилага бардошли яхлит темир-бетондан қурилган кўп қаватли турар-жойлар кўздан кечирилди.



Парламент ҳаёти

КАТТАҚЎРҒОН ИЛҒОР ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНАДИ

Шу йил 13 май кунги Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида Каттақўрғон шаҳрини ривожлантиришга алоҳида тўқталиб, шу бўйича зарур вазифалар белгиланган, бунда асосий эътибор Каттақўрғон ҳамда Нуробод туманларидаги 1 минг 200 гектар лалми ва яйлов ерларни шаҳар аҳолисига фойдаланишга бериш орқали 5 минг кишини иш билан таъминлаш вазифаси қўйилган эди.

Хўш, ўтган даврда бу борада нима ишлар бажарилди? Аввало, турли вазирлик ва идоралар раҳбарларидан иборат Илчи гуруҳи томонидан ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар ҳамда Каттақўрғон шаҳридаги объект-

лар ўрганиб чиқилди. Яқинда эса Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева икки кун давомида ана шу объектлар ва ҳудудда амалга оширилаётган ишлар билан танишди.



АДАБИЁТ БЎСТОНИГА ЙЎЛ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 20 май куни Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хибёонига ташриф буюрди. Бу ерда бўлган самимий суҳбат нафақат ижодкорларни, балки бутун халқимизни кувонтирди.

“Ёшларнинг юрагига адабиёт кириб бориши керак”, деди Юртбошимиз.

Муносабат

Бу сўз бежиз айтилмайди. Унда ҳаёт фалсафаси тўлқинланиб турибди. Шундай тушундикки, юрагига адабиёт кириб борган инсонгина дунёни теган англай олади. Адабиётсиз қоралган қалб эзгуликдан узоқлашади.

Шу боис Адиблар хибёонининг ҳаётимизда адабиёт бўстони, абадий анжумани сифатидаги ўрни нисбатда баланд.

Гулшану чаманлар, боғу гулистонлар гуллардан яралади. Адиблар хибёони сўз ва кўнгилдан барпо этилди. Сўз ҳамда кўнгил дунёсидан қад ростлади. Кезиб, кўриб ўйга чўмасиз, хаёлга толасиз, қалбнингизда қувонч ва гурур тошади. Адабиёт-ту абдиатининг қошида фикрлайсиз. Уткинчи, майда нарсалардан баландлайсиз. Ўтиб кетаётган ва ҳайратда кезиб, айланиб юрган вақтини кўрасиз. Оламда мўъжизалар кўпдир, эҳтимол, лекин асл

мўъжиза — адабиёт эканини юракдан ҳис қиласиз.

Дунёни кўз олдингиздан ўтказинг-ай! Пайдою нобудликлар... Келиб, мангуга кетишлар... Осмоний ҳайбатланиб, буткул ғойиб бўлишлар... “Ярим соат ичида тугилиб, ўсиб, яшаб, умр кўриб” (Ғафур Ғулум), йўқликка маҳкумликлар... Лекин шовуллаб ўтиб бораётган дунёда абадий қолаётганлар ҳам кўп. Кўнгил кўзи билан боқсангиз, Навоий ҳазратлари “Хамса”ни ёзаётган пайтлардаги бинолар, кўприклар, саройлар, югураётган отлар, учаётган қўшлар... Ғазаллар... Асарлар... Барчаси бус-бутун, мукаммал ҳолида намоён бўлади. Адабиёт ҳаммаша ҳаёт. Кўп нарсалар ўтиб кетади. Адабиёт ҳаёт билан бирга яшаб бораверади. Адиблар хибёонига келган киши борки, ана шу ўлмас ҳақиқатларга яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Хибёонда ҳазрат Навоий юксак-

ликдан туриб, ўз издошларини ортидан эргаштираётгандек, уларга устозлик қилаётгандек туюлади. Бобур ғазал ўқимоқда... Абдулла Ориповнинг овози мудом янграяпти. Адабиёт аҳли “Мушоира этади давом, кел, дўстим, сен ҳам...” дейишиб, анжуманга кўнгил ила чорлаяпти. Улуғлигу мангулик ичра қурилмоқда бу қалб суҳбатлари...

Мунаввар ҳайкаллар... Ҳар хил шамолларга ҳайкал қўйилмайди. “Бу гулшан ичра йўқтур, бақо гулига сабот, Ажаб саодат эрур, қолса ях-шиллик била от”. Табаррук отларга, улуг номларга, азиз зотларга, нурли кўнгилларга ҳайкалу тимсоллар тикланади.

Адиблар хибёониди ҳайкаллари қад ростлаган Навоий ҳазратлари ҳам, Отаҳийо Фурқат ҳам, Эркин Воҳидов ҳам — ҳаммалари тириклигдаёқ қалбларга ўз ҳайкаллари-ни тиклаб кетган. Шу боис улар мурдом ҳаётдирлар. Улар билан ҳаёлан суҳбатлашасиз. Адабиёт илоҳийлиги ичра борасиз. Ҳақ надири... Инсонийлик, иймонийлик надири? Инсон ўзи ким? Кўнгилнинг ранги қандай? Ватанининг қалби қаерда? Вақт миниб бораётган отнинг-тулпорнинг шиддатиди не тилсимлар? Ўйлайверасиз, фикрлайверасиз, англайверасиз, ўзингиз ҳам тушуни етмаганингиз ҳолда баландлайверасиз.

Инчунин, юрагингиз бўстонида



Ўзбекистон Республикаси Президенти Мотбурт жамоати сурати.

ҳам, мактаблар гулистонида ҳам, олий ўқув юртларининг маърифату илмида ҳам, юксак биноларнинг осмониди ҳам, заҳматкаш деҳқоннинг жон-жониди ҳам, йўлда бола раётган йўловчиларнинг умиди ишониди ҳам, тонглارнинг ярқира-шию туманида ҳам адабиёт бўлиши халқимиз учун улкан саодат.

Шу маънода, Адиблар хибёони оддийгина маскан, оддийгина хибёон эмас — ўзбек адабиётининг олтин эшиги, олтин дарвозаси у! Бу ерда бўлган инсон қалби билан адибларнинг сўзини, шеърини, дардини, дилини эшита туриб, адабиёт дунёсига мафтун бўлади. Бунда сўзлар, мисралар, сатрлар қайгуланадилар, шодланадилар, заминланадилар, осмонланадилар, Ватанланадилар. Улар кўзгу, бу кўзгуда Ватан кўринади. Ва бутун вуқудимизда ҳаёт ёрқинланади, умидлар жўшқинланади, қалбимиз дарёлари тошқинланади, куч-қудратимиз шидатланади.

Адиблар хибёони... унинг яратилиши, барпо этилиши, жозибאו хувайдолигида Президентимизнинг нигоҳи, ўзбек адабиётига нозик баъ билан, меҳрга тўла назар билан қараши намоён. Ўртбошимиз англайдилар, биладилар, ижодкорларнинг юраги бошқача бўлади: адабиёт аҳли Ватанга илоҳий қалб кўзи билан қаради.

Жаҳон тушуниб етйпти, Ўзбекистонда адибларга кўрсатилаётган меҳрдан адабиётнинг бўйи ўсаяпти. Ўзбек адабиёти дунё адабиёти билан бўйлашишга интиломоқда. Адабиётимиз тарихи, бугуни, моҳияти билан қудратланмоқда. Асрларга гавҳару жавҳар бўладиган адабиёт нурлари кўзга ташланмоқда. Буни туйғулар туғиб, тафаккурлар англамоқдалар.

Менгнор ОЛЛОМУРОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари.

Ҳамкорлик

Туркия Республикаси томонидан тақдим этилган инсонпарварлик юки “Uzbekistan Airways” АЖга қарашли ҳамо кемасида Тошкентга олиб келинди.

Ўзаро бирдамликнинг амалдаги ёрқин ифодаси

Туркияда ишлаб чиқарилган, ўпкага сунъий нафас юбориши учун мўлжалланган 50 дона аппарат республикамиз бўйлаб, биринчи навбатда, эҳтиёжманд, энг зарур нуқталарга тарқатилади. Мазкур ускуна халқаро стандартлар асосида синовдан ўтказилган бўлиб, коронавирус касаллигининг оғир шаклини бошидан кечираётган беморларни соғлом ҳаётга қайтаришга ёрдам беради.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, сўнгги пайтларда кўплаб давлатлар коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашда янада жипс-лашмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳамда Туркия Президенти шу йилнинг 22 апрель куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқот чоғида ҳам айнаи шу хизматлар алоҳида эътироф этилганди.

Ўзбекистон — Туркия ўртасидидаги ўзаро муносабатлар юқори чўққига кўтарилган бир пайтда айнаи ҳамкорлик ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, синовли қўлларда елкадошу бўлиш халқларимиз табиятига хос фазилатдир.

Авалроқ эпидемия билан самарали кураш олиб боришни қўллаб-қувватлаш максасида Туркия Ўзбекистонга шахсий ҳимоя воситалари — 50 минг тиббий ҳимоя ва 200 минг комбинезондан иборат гуманитар қўмак юборган эди.

«Халқ сўзи».

Афв КЕЧИРИМЛИЛИК — ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

Куни кеча давлатимиз раҳбари “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармони имзолади.

Муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга хос меҳр-оқибат, эзгулик ва ҳайру саховат сингари олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси бўлган ушбу ҳужжат кенг жамоатчилик вакиллари, айниқса, афв этилганлар ва уларнинг яқинлари томонидан катта хурсандчилик билан қўлиб олинди.

Улардан айримлари ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён қилди:

Кўзбой ЖУМАНАЗАРОВ,
Хоразм вилояти, Ҳазорасп туманидаги “Минг отликлар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Юртимизда инсонпарварлик тамоийиллари шу қадар кенг илдииз отганки, ҳатто жиноятга қўл урганларга ҳам жамиятда ўз ўрнини топиши учун имкон берилади. Рамазон ҳайити арафасида эълон қилинган Фармон ана шундай гоъларни ўзида му-жассам этди.

Ҳар бир инсон, албатта, қай-сидир маҳаллада истикомат қи-лади, унинг одоб-ахлоқи, юрши-туришига ушбу тузилма ҳам жавоб-

Тошпўлат САЙФИДДИНОВ
(Самарқанд вилояти, Ургут тумани):

— Библиб-билмай ноқонуний диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолиб, жиноят содир этдим. Қилмишим учун олти йилга озодликдан маҳрум қилинган эдим. Натижада мана, умримнинг уз йилу икки ойини панжара ортида ўтказишга маж-бур бўлдим.

Қилган ишимдан пушаймон-ман. Қамокда бўлган чоғида шуни англаб етдимки, озодлик-

Садриддин МИРЗАЕВ
(Сурхондарё вилояти, Сарийосё тумани):

— Ҳайит байрамини оилам, яқинларим бағрида ўтказиш бах-тига муяссар бўлганим учун жуда мамнунман. Мен давлатимиз-нинг, халқимизнинг ғамхўрлиги туфайли шу кўнларга етдим, бахтли ҳаётга қайтдим.

Панжара ортида қилмишимни сарҳисоб қиларканман, ҳатола-римни тўла англаб етдим. Таж-рибасизлик, илмсизлик, юзак дунёқараш ва ҳиссиётларим мени йўлдан адаштирган экан. Бундан нафақат ўзим жабр кўрдим, балки оилам, фарзанд-ларим ҳам менинг ҳасратимга

Илҳом ХАЙРИЕВ
(Бухоро вилояти, Гиждувон тумани):

— Ўйлаб қарасам, дунёда оиланг, яқинларинг ва дўстла-ринг қуршовида яшашдан кўра ортқ бaxт йўқ экан. Буни озод-ликка чиққанымда янада чуқур-роқ ҳис этдим. Айниқса, мен йўқлигимда бўйи анча чўзиллиб қолган фарзандимни кўрганим-да, пиру бадавлат отажоним, яқинларим билан дийдорлашган-да шўқроналар қилдим.

Ҳаёлимдан фақат бир нарсa кетмаяпти: менга, жиноятга қўл урган бир фуқарога нисбатан кўрсатилган эътибор ва ғамхўр-

«Халқ сўзи».

ликка муносиб бўлишим керак. Қайтиб жиноят кўчасига асло қирмайман. Зеро, оилам, маҳал-лам, юртим олдида ўзимни қардор, деб биламан.

Айнаи пайтда менинг яна оёққа туриб олишим учун давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ёрдам берапти. Маҳалла фаолларидан бири мураббий этиб бириктирилди. Ён-атрофдагилар-нинг хайрихоҳлиги, эътиборидан кўнглим тоғдек кўтарилди.

МЕҲР-ОҚИБАТ, ЭЗГУЛИК ВА САХОВАТ АЙЁМИ

Меҳр-оқибат, эзгулик ва саховат айёми бўлган Рамазон ҳайити арафасида турибмиз. Бутун дунё мўмин-мусулмонлари қатори юртдошларимиз ҳам Ййд ал-Фитри ҳар йилгидек кўтаринки кайфият, ўзгача шукху, алоҳида тайёргарлик ва катта хурсандчилик билан қутиб олмақда.

Рамазон ойи давомида адо этилган ибодатлар, эзгу амаллар ва меҳр-саховат ишлари эвазига мўмин-мусулмонлар жуда катта ажр-савобларга эришадилар, инша Аллох.

Акс садо

Рамазон ойда Аллох таоло фарз этган рўза тугилиб, хонадон-ларимизда хатми Қуръонлар қилинди. Ёрдамга муҳтож кишилар ва кам таъминланган оилаларга ҳайру саховатлар янада кўпайди.

Президентимизнинг куни кеча эълон қилинган “Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қаро-рига мувофиқ, ушбу муқаддас ай-ёмининг қарантин талабларига му-вофиқ, халқимизнинг миллий ва диний аънаналарига мос равишда ўтиши учун тегишли чора-тадбир-лар амалга оширилмоқда.

Барчага маълумки, бугунги кун-да бутун дунё бўйлаб, жумладан, юртимизда ҳам коронавирус касал-лиги тарқалди. Ҳозир инсоният му-раккаб даврни бошидан кечирмоқ-да. Юртимизда эпидемиологик ва-зиятни жиловлаш, аҳоли саломат-лигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун барча чоралар қўри-ляпти. Мамлакатимизда бу касал-лик кенг тарқалишининг олдини олиш максасида қарантин ва бир қатор чекловлар жорий этилган.

Катъий қарантин чораларини қўллаш натижада мамлакатда ка-салликнинг қайд этилган ҳолатла-рига нисбатан ҳам, кўнлик янги

ҳолатлар ҳам паст даражада сақ-ланиб турибди. Юртимиз ушбу офатдан ортиқча талафотларсиз чиқишга эришмоқда ва вазият бар-ва қарорлашгани сари қарантин чо-ралари секин-аста юмшатилаёттир. Лекин бутун дунёда коронавир-ус пандемияси билан боғлиқ вазият кескинлигича қолмоқда.

Баён этилганлардан келиб чи-киб, жорий Рамазон ҳайити (Ййд ал-Фитр) намозини пандемия дав-рида жамоат бўлиб ўқиш имкони-яти мавжуд эмаслиги мўмин-му-сулмонларнинг зиммасидан ушбу ибодатни соқит қилади.

Ўзбекистон мусулмонлари идо-раси Уламолар кенгашининг коро-навир-ус инфекцияси тарқалиши-нинг олдини олиш бўйича фатво-си ва Рамазон ойини ўтказиш ҳақидаги баёнотида қайд этил-ганидек, эпидемиологик вазиятни инобатга олган ҳолда жума намо-зи ўрнига уйда пешин намозини, беш вақт намоз ва Рамазон ойи-даги тарових намозини уйда ўқиш ҳақидаги тавсиялар айнаи Рамазон ҳайити намозига ҳам тегишлидир.

Рамазон ҳайити кўнлари эпиде-мик ҳолат мавжудлиги ва одамлар-нинг ҳаётига ҳавф сақланиб қоли-

ши сабабли жума ва бошқа на-мозлар каби Ййд намозини ҳам жа-моат бўлиб ўқишининг иложи бўлмайди.

Дарҳақиқат, Аллох таоло Қуръони каримда “**Ўзингизни ҳалокатга дучор қилманг**” (Бақара сураси, 195-оят), деб марҳамат қилади.

Абу Саъид Худурий разиаллоху анхундан ривоят қилинган ҳадисда Ҳазрати Пайғамбаримиз саллал-лоху алайҳи васаллам “**Зарар бе-риш ва зарар қўриш ҳам йўқ**”, де-ганлар.

Мўътабар фикций китоблари-мизда “Зарарни даф қилиш фой-дани жалб қилишдан олдинга қўйи-лади”, деган қоида бор.

Юқоридаги баён этилганлардан келиб чиқиб, шариат инсонга зар-рар этиш эҳтимоли кучайган пайт-да ибодатларни енгил тарзда ба-жаришга рухсат беради ёки бутун-лай зиммадан соқит қилади. Ййд намози ҳам вожиб амал бўлгани боис бугунгидай узрли ҳолатлар-да зиммамиздан соқитдир.

Мавжуд вазият тақрорасидан ке-либ чиқиб, Рамазон ҳайити намо-зи адо қилинмаса ҳам байрам қай-фиятини сақлаб қолиш учун Ҳазрати Пайғамбаримиз саллал-лоху алайҳи васалламнинг бир сун-натларини ҳаётга жорий этиш мақ-садга мувофиқ. Яъни Абу Саъид разиаллоху анхундан ривоят қили-нади: “Расулуллох саллаллоху алайҳи васаллам Ййд намозидан аввал нафл намоз ўқимасдилар. Қачон уйларига қайтсалар икки ра-кат намоз ўқирдилар” (Имом Ибн Можа ривояти).

Ҳанафий мазаҳабининг мўътабар

Қишлоқ хўжалигида органик маҳсулотлар етиштириш

Жорий йилнинг 18 май куни давлатимиз раҳбари “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони имзолади. Бу ҳужжатнинг бугунги кундаги аҳамиятини жуда кўп омиллар билан изоҳлаш мумкин. Келинг, айрим таҳлиллар ва экспертларнинг фикр-мулоҳазалари асосида бунга кенгроқ тўхталсак.

Бизнинг шарҳ

Таъкидлаш жоиз, айнаи пайт-да дунёнинг ривожланган дав-латларида инсон саломатлигига доир ҳар бир масалага алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда. Жумладан, озиқ-овқат етишти-ришда ҳам. Ана шундай ёнда-шувлар туфайли “Органик маҳ-сулотлар” атамаси истеъмолга кириб келди. Бу нима дегани? Бу кимёвий воситалардан ва гени модификацияланган орга-низмлардан фойдаланмаган ҳолда ишлаб чиқарилган, етиштирилган маҳсулотлардир.

Экспертларнинг баҳолашича, дунё органик маҳсулотлар бозо-рида сўнгги беш йил давомида йилгига ўртача 15 фоизлик ўсish кузатишмоқда. Шу йил якунига қўра, савдо айланмаси 212 мил-лиард АҚШ долларини ёки жа-ҳон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 20 фоизини ташкил этиши прогноз қилинган. Органик

қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари институти ва Органик қишлоқ хўжалиги ҳаракати бўйича халқ-аро федерациянинг 2019 йилги наширда Ўзбекистон Республи-каси мева етиштириш бўйича қулай шароитга эга бўлган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олган. Президентимиз Фар-мони эса бизда мавжуд бўлган ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиш нуқтаи назаридан жуда долзарбдир.

Мазкур Фармон “Organic” ва “Global G.A.P.” халқаро талабла-рига мос маҳсулот ишлаб чиқа-риш, уларнинг сифат ва хавф-сизлик кўрсаткичларини ошириш ҳамда экспортни кенгайтиришга қаратилган. Фармон билан Ўзе-бекистон Республикаси органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариши ривожлантириш кон-цепцияси ҳамда уни амалга оши-риш бўйича “Йўл харитаси” тас-

дикланди. Режага қўра, 2025 йил-гача Ўзбекистонда пахта хом ашёси, дон, дуккакли ва мойли экинлар етиштиришда 5 фоиз, бодворчиликда 10 фоиз, узумчи-ликда 15 фоиз, сабзавот ва по-лизчиликда 3 фоиз ҳамда ўрмон фонди ерларидаги экин майдон-ларида 8 фоиз, pista-бодомзор-ларда 15 фоиз, гўшт етиштириш-да 5 фоиз, сут етиштиришда 8 фоиз ва қурқа гўшти етишти-ришда 25 фоиз органик қишлоқ хўжалигига ўтиш кўзда тутилмоқ-да. Шунга мувофиқ, Фармон би-лан 2020 — 2030 йилларда бос-

мин яратади. Бизнинг лойиҳамиз, мана, бир неча йилдирки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатини ошириш ва улар-га халқаро сифат сертификатларини жорий қилиш бўйича шуғулланиб келмоқда. Сирдарё вилоятида анор мевасига “Global G.A.P.” сер-тификатининг жорий қилинганлиги фикримга мисол бўла олади.

Ўзбекистонда бу каби сертификатларнинг жорий қилиниши аграр сектор келажаги учун жуда муҳим бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсу-лотларининг Европа Иттифоқи, АҚШ, Россия каби ривожланган давлатларга экспорт сало-ҳиятини оширади. Органик ва экологик тоза маҳсулотлар етиштириш орқали атроф-муҳит-ни келахаж авлод учун асраш мумкин бўлади.

Ойбек СОАТОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бўлим бошлиғи:

— Концепцияга асосан, органик ишлаб чиқаришга мос келадиган ҳудудлар танлаб олинадиган бўлиб органик маҳсулотларни етиштириб, босқимча-босқим 2020 — 2025 йил-лар давомида экспортга етказиб бериш йўлга қўйилди.

Дунё амалиётида органик ишлаб чиқариш экинларни экишдан тортиб, реализация қилишгача бўлган жараёни тартибга сола-

халқаро бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллашнинг муҳим шартидир

қичма-босқич органик ишлаб чиқаришга ўтишининг прогност кўрсаткичлари, органик пахта хом ашёси етиштириш, органик тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш режаси ҳамда ҳудудларда агроэкотуризмни ри-вожлантириш учун органик бо-

зорлар ва ресторанлар ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар ре-жаси тасдиқланди.

Фармонга асосан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги органик маҳ-сулотларни ишлаб чиқариш ва барча манфаатдор ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш

ди. Бу республикаимизда йўлга қўйилмаган. Шу нуктаи назардан, Қишлоқ хўжалиги ва-зирлигига мана шу вазифаларнинг юклати-лиши республикаимизда органик маҳсулотлар-ни ишлаб чиқариш ва реализация қилишгача бўлган жараёни оқилона тартибга солиш ҳамда экспортга чиқаришининг самарали йўллари жорий этишга хизмат қилади.

Ақсай ОЙГУН,
БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги таъкилоти (ФАО)нинг органик қишлоқ хўжалиги бўйича эксперти:

— Ўттиз йилдан буюн органик қишлоқ хўжа-лиги бўйича ишлаб келялман. Фаолиятим да-вомида ФАОнинг баъзи лойиҳалари доира-сида юртингизда ишладим. Бунда салоҳият-ни ошириш ва ўқитиш бўйича маслаҳат бе-ришда иштирок этдим. Бу менга Ўзбекистон-нинг турли ҳудудларига бориш ва қишлоқ хўжалиги салоҳияти билан яқиндан танишиш имконини берди.

Органик қишлоқ хўжалигига келсак, қонун ҳужжатларининг мавжудлиги мамлакатнинг жаҳон бозоридида мавқеини яхшилади. Чун-ки бунда ҳамма халқаро мезонларга жавоб берадиган органик маҳсулот ишлаб чиқара-диган ва сотадиган тизим мавжудлигини би-либ олади.

Д. УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи»)
тайёрлади.

QISHLOQQURILISHBANK

«Қишлоқ қурилиш банк» АЯТБ
Ўзбекистон аҳлини қалбимизга шодлик,
қўзимизга нур, дастурхонларга бағрака,
опламизга тинчлик неъматларини олиб келувчи
Ийди Рамазон билан
қўшлайдди!

«Қишлоқ қурилиш банк» – фаровон ҳаётингиз хизматида!

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

MIKROKREDITBANK

«Микрокредитбанк»
акциядорлик тижорат банки жамоаси

халқимизни яхшилик ва эзгулик айёми —
Рамазон ҳайити
билан табриклайди!
Оилангизга бахт, омад ва хотиржамлик тилайди!

«Микрокредитбанк» ўз хонадонига эга бўлишни
истаган юртдошларимиз учун ажойиб
янгилик тақдим этмоқда.

Энди кўп қаватли уйлاردан ипотека кредити эвазига
янги хонадон харид қилиш имкониятингиз янада кенгайди.

Кредит муддати: 20 йил.

Кредит фоизи:
Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — 19 фоиз,
Тошкент шаҳрида — 20 фоиз.

«Микрокредитбанк» сармоялари — сизнинг фаровон ҳаётингиз кафолати!

Хизматлар лицензияланган.

ASAKA BANK

Ramazon hayitiniz
MUBORAK BO'LSIN!

Дизель генератор
ускуналарини таъмирлаш хизматини
кўрсатувчи ташкилот раҳбарлари
ва тадбиркорлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси
Фавқулодда вазиятлар
вазирлиги Академияси

1 донга 100 кВт ва 1 донга
60 кВт дизель генераторларини
жорий таъмирлаш бўйича
энг яхши таклифларни
танлаб олади.

Таклифлар эълон чоп этилган
санадан бошлаб 15 календарь куни
давомида қабул қилинади.
Тўлов шартлари: пул ўтказиш йўли билан,
15% олдиндан тўлов асосида
амалга оширилади.

Кўшимча маълумотлар
Академиянинг ipb.uz сайтида
жойлаштирилган.
Маълумот учун телефонлар:
71-258-56-57, 97-757-79-19.
Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани,
Дўстлик кўчаси, 5-уй.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

(“Халқ сўзи”нинг навбатдаги сони 24 май, яқинба куни чиқади).

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 39 908 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

ГАЗЕТАМИЗ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ЮЗЛАБ ОЛИШ УЧУН QR-КОДИНИ ТЕЛЕФОНИНГИЗ ОРҚАЛИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган кўлаблар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун оқушни
расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор
М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусахҳих — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 23.20 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6